QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 26 yil « 31 » oktabr № 604 Toshkent sh.

Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш ҳамда соҳада бюрократик тартиботларни тубдан қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил 8 сентябрдаги ПФ–157-сон Фармони ижросини таъминлаш, илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг рақамли маълумотлар базасини яратиш ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади**:

1. Таълим ва илм-фан вазирлигининг Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестри (кейинги ўринларда – Реестр)ни жорий этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин:

илмий ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахсларга илмий идентификация рақами (кейинги ўринларда – илмий идентификация рақами)ни бериш тартиби;

илмий ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларни Реестрга киритиш учун ариза топшириш ва уларни кўриб чиқиш тартиби;

ташкилотнинг фаолият турини белгилаш ва рўйхатга олиш тартиби;

илмий ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи ташкилотларни Реестрдан чиқариш тартиби.

3. Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик):

2027 йил 1 январга қадар Реестрни шакллантириш ва юритиш учун махсус ахборот тизими ишлаб чиқилишини;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

2027 йил 1 февралга қадар Адлия вазирлиги ва Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматини Давлат хизматлари марказлари ва Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида йўлга қўйилишини;

2027 йил 1 апрелга қадар Реестрда рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг соҳага оид маълумотлари асосида Илмий ва инновацион фаолиятга оид ахборотларнинг ягона электрон базаси (кейинги ўринларда – Ягона электрон база) жорий этилишини таъминласин.

4. Белгилансинки:

Агентлик илмий ва инновацион фаолият турлари билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг илмий идентификация рақами билан таъминланишини ташкил этади;

Реестрга киритилган ташкилот фаолият турига кўра Агентликнинг тегишли ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади;

илмий ва инновацион фаолиятни амалга оширувчи субъектларга оид маълумотлар уларни тегишли ахборот тизимларига интеграция қилиш орқали Ягона электрон базада жамланади;

Ягона электрон базадаги статистик маълумотлар илмий ва инновацион фаолиятга оид ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали “Рақамли ҳукумат” тизимининг идоралараро интеграциялашув платформаси орқали Миллий статистика қўмитасига тақдим этилади;

Агентлик илмий ва инновацион фаолиятга оид маълумотларни Ягона электрон базада юритади ва Агентликнинг сервер қурилмаларида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда сақлайди ҳамда уларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлайди;

Реестр махсус ахборот тизими ва Ягона электрон базани техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ харажатлар Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг **2-иловага** мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Таълим ва илм-фан вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – таълим ва илм-фан вазири Э.О. Турдимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI
UMUMIY BO‘LIM
1

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “31” октябрдаги 604-сон қарорига
1-илова

Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестрини (кейинги ўринларда – Реестр) шакллантириш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Реестрни шакллантириш ва ташкилотларни рўйхатга олиш махсус ахборот тизими орқали амалга оширилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан юритилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – Реестрда рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилувчи ташкилот раҳбари ёки асосий штатда меҳнат фаолиятини юритаётган ва ташкилот номидан фаолият юритувчи масъул ходим;

илмий идентификация рақами – илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланадиган жисмоний шахсларни рўйхатга олишда автоматик равишда генерация қилиш орқали бериладиган кодлаштирилган рақам;

Ишчи орган – Реестрга киритиш учун ташкилотлар томонидан юборилган аризаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказишга Агентлик томонидан белгиланадиган масъул таркибий бўлинма;

махсус ахборот тизими – Реестрга киритиш учун ташкилотлар томонидан юборилган аризаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш ва Реестрни юритиш билан боғлиқ жараёнларни қамраб олган электрон тизим;

ташкилот – Реестрда тегишли фаолият тури қайд этилган илмий, илмий-маданий ёки инновацион йўналишда фаолият юритувчи юридик шахс;

ягона электрон база – Реестрда рўйхатдан ўтган ташкилотларнинг соҳага оид маълумотларини жамловчи илмий ва инновацион фаолиятга оид ахборотларнинг ягона электрон базаси.

4. Ташкилотни Реестрга киритиш учун ариза бериш ва уни кўриб чиқишда ҳамда жисмоний шахсларга илмий идентификация рақамини беришда тўлов ундирилмайди.

5. Реестрга киритилган ташкилот Агентлик томонидан жорий этилган илмий ва инновацион фаолиятга тегишли ахборот тизимларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлади.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

6. Реестрга киритилган ташкилотнинг Агентлик ахборот тизимларида шаклланган статистик маълумотлари ягона электрон базада жамланади.

7. Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш ушбу Низомга 1-иловадаги схемага мувофиқ амалга оширилади.

8. Реестрга ташкилотлар илмий ва инновацион фаолиятни амалга ошириш белгиларига кўра фаолият тури аниқланган ҳолда киритилади.

Ташкилотларнинг илмий ва инновацион фаолият турлари ва уни аниқлаш мезони Агентлик томонидан тасдиқланади.

2-боб. Реестрни шакллантириш

9. Ариза ташкилот раҳбари ёки ташкилотнинг масъул ходими Давлат хизматлари марказига ўзи келиб мурожаат қилган ҳолда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали берилади.

Бунда:

давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди;

ҳужжатлардаги маълумотларнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги учун ариза берувчи шахсан жавобгар ҳисобланади;

сўровнома тўлдирилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари (электрон имзо, ягона идентификация тизимидаги логин ва пароль, мобил-ID ва бошқалар) билан тасдиқлайди;

Ариза берувчи ЯИДХП орқали мурожаат этган тақдирда, сўровномани электрон рақамли имзо билан тасдиқлаш талаб этилмайди;

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишнинг ҳар қандай босқичида ундан фойдаланишдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади.

10. Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали ариза юборилганда қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

ушбу Низомга 2-иловада келтирилган намуна асосидаги электрон равишда тўлдирилган сўровнома;

Ариза берувчи ташкилотни Реестрга киритиш ҳамда ташкилот номидан иш юритувчи масъул ходими (илмий идентификация рақами кўрсатилган ҳолда)ни белгилаш юзасидан Агентликка юборилган мурожаат хати.

11. Ташкилот Реестрга киритилиши учун Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги ва Ўзбекистон Республикаси “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексида мавжуд бўлиши талаб этилади.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

12. Ариза қабул қилинган кундан бошлаб тўрт иш куни ичида Ишчи орган томонидан махсус ахборот тизими орқали кўриб чиқилади.

Ишчи орган ариза берувчи томонидан тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигини давлат ахборот тизимлари ва маълумотлар базалари, давлат органлари ва ташкилотларининг расмий ахборот ресурслари орқали ўрганиб чиқади.

Ўрганиш натижаларига кўра, Ишчи орган ташкилотни Реестрга киритишни тасдиқлаш учун Агентлик директорига киритади ёки ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларда камчиликлар аниқланган тақдирда, ариза ташкилотга қайта ишлаш учун юборилади.

Ариза қайта ишлашга юборилгани тўғрисида ариза берувчига ЯИДХП орқали хабарнома юборилади.

Ариза берувчи қайта ишлашга юборилган аризани уч иш кунида кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда умумий тартибда қайта киритади.

Ариза берувчи белгиланган муддатда кўрсатилган камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта ариза киритмаган тақдирда, ариза автоматик тарзда бекор қилинади.

13. Тақдим этилган ариза бўйича Ишчи орган томонидан ижобий хулоса берилган тақдирда, Агентлик директори бир иш куни ичида ташкилотни Реестрга киритишни тасдиқлайди.

Ариза берувчи ташкилот Реестрга киритилгани тўғрисидаги маълумотномани Давлат хизматлари марказлари ёки ЯИДХП орқали олиши мумкин.

Ташкилотни Реестрга киритиш тасдиқлангандан сўнг Агентлик томонидан масъул ходимга ташкилотнинг Реестрдаги шахсий кабинетини юритиш имконияти яратилади.

14. Ташкилотни Реестрга киритишни рад этиш учун қуйидагилар асос бўлади:

ушбу Низомнинг 10-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилган ҳужжатларда тасдиқланмаган ва нотўғри маълумотлар мавжудлиги;

ариза берувчи томонидан сўровномада кўрсатиб ўтилган зарур ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмагани;

ташкилот ушбу Низомнинг 11-бандида белгиланган талабларга мос келмаслиги.

Бошқа асослар бўйича аризани рад этиш тақиқланади.

15. Қуйидагилар ташкилотни Реестрдан чиқариш учун асос бўлади:

ташкилотнинг аризасига кўра;

ташкилот қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда тугатилганда.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

16. Агентлик ахборот тизимларида ташкилот номидан иш юритиш учун белгиланган функционал вазифаларга масъул шахслар ташкилотнинг махсус ахборот тизимидаги масъул ходими томонидан бириктирилади.

17. Агентлик ахборот тизимлари орқали лойиҳалар ва танловлар учун тақдим этиладиган тегишли аризалар махсус ахборот тизимида ташкилотнинг масъул раҳбари томонидан тасдиқланади.

3-боб. Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи жисмоний шахсларга илмий идентификация рақамини бериш

18. Илмий ва инновацион фаолият юритувчи жисмоний шахсларга илмий идентификация рақами Илмий-инновацион фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни идентификация тизими (кейинги ўринларда – Идентификация тизими) орқали берилади.

Илмий идентификация рақами Идентификация тизимида фойдаланувчи маълумотлари асосида автоматик тарзда генерация қилиниб тақдим этилади.

19. Илмий идентификация рақами жисмоний шахсга бир марта берилади ва унинг бутун фаолияти давомида ўзгармас идентификатор сифатида сақланади.

20. Илмий идентификация рақамининг бошқа шахсга қайта берилиши, ўзгартирилиши ёки такроран генерация қилинишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний шахснинг шахсий маълумотлари ўзгарган тақдирда ҳам илмий идентификация рақами ўзгаришсиз қолади.

21. Илмий идентификация рақамига эга бўлган жисмоний шахсларга Агентлик томонидан жорий этилган барча ахборот тизимларидан ўзларининг шахсий кабинети орқали фойдаланиш имконияти яратилади.

22. Реестрга киритилган ташкилотнинг илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи барча ходимларининг илмий идентификация рақамига эга бўлишини назорат қилиш ташкилот раҳбарининг зиммасига юкланади.

4-боб. Реестрни юритиш ва маълумотларни бошқариш

23. Агентлик томонидан жорий этилган ахборот тизимларидаги ташкилот ва унинг ходимлари илмий фаолиятига тегишли бўлган маълумотлар ташкилотнинг Реестрдаги шахсий кабинетида тўпланиб боради.

24. Реестрни юритиш натижасида илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг ягона ва доимий янгилаб бориладиган рўйхати шакллантирилади.

25. Илмий ва инновацион фаолият йўналишлари бўйича ташкилотлар ва жисмоний шахсларнинг йиллик фаоллиги юзасидан таҳлилий маълумотлар Агентлик томонидан эълон қилиб борилади.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

26. Ягона электрон базадаги илмий ва инновацион фаолиятга оид статистик маълумотлар ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика қўмитасига тақдим этилади.

5-боб. Якунловчи қоидалар

27. Ягона электрон базани маҳаллий ва хорижий илмий маълумотлар базалари билан интеграция қилиш талаблари Агентлик томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

28. Реестрга киритиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги учун ариза берувчи жавобгардир.

29. Ариза берувчи Агентлик ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан норози бўлган тақдирда қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

30. Махсус ахборот тизимида фойдаланувчиларнинг шахсий маълумотларидан рухсатсиз фойдаланганлик учун Агентлик жавобгар ҳисобланади.

31. Ушбу Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи
субъектларнинг реестрини шакллантириш
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестрини шакллантириш ва юритиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Ариза берувчи *(Реестрда рўйхатдан ўтиш учун мурожаат қилувчи ташкилот раҳбари ёки асосий штатда меҳнат фаолиятини юритаётган ва ташкилот номидан фаолият юритувчи масъул ходим)*	Ташкилотни Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларнинг реестри (кейинги ўринларда – Реестр)га киритиш учун Давлат хизматлари марказига ўзи келган ҳолда ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали электрон сўровномани тўлдирган ҳолда ариза беради.	Ўз хоҳишига кўра
2-босқич	Реестрга киритиш учун аризаларни қабул қилиш, уларни кўриб чиқиш ва рўйхатдан ўтказишга Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан белгиланадиган масъул таркибий бўлинма (кейинги ўринларда – Ишчи орган), ариза берувчи	1. Ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларнинг Низом талабларига мувофиқлигини махсус ахборот тизими орқали ўрганади. 2. Ўрганиш якунида ташкилотни Реестрга киритишни тасдиқлаш учун Агентлик директорига киритади ёки ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатлар ва маълумотларда камчиликлар аниқланган тақдирда, аризани ташкилотга қайта ишлашга юборади. 3. Ариза берувчи қайтарилган аризани белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этган ҳолда қайта киритади. 4. Агарда ариза берувчи белгиланган муддатда аризани камчиликларни бартараф этган ҳолда юбормаган тақдирда, ариза автоматик тарзда бекор қилинади.	Ариза қабул қилинган кундан бошлаб 5 иш куни ичида Ўрганиш якунига кўра 3 иш куни ичида Реал вақт режимида

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

3-босқич	Агентлик директори	1. Ташкилотни Реестрга киритишни тасдиқлайди. 2. Ташкилотнинг Реестрга киритилгани тўғрисидаги маълумот ЯИДХП орқали Ташкилотга юборилади.	1 иш куни ичида Реал вақт режимида
4-босқич	Ишчи орган	Ариза берувчини ташкилотнинг Реестрдаги шахсий кабинетига масъул сифатида бириктиради.	Ташкилотни Реестрга киритиш тасдиқланган вақтда
5-босқич	Ариза берувчи	1. Ташкилотнинг Реестрга киритилгани тўғрисидаги маълумотни ЯИДХП орқали юклаб олади. 2. Ташкилотнинг Реестрдаги профилини юритади.	Ўз хоҳишига кўра Реал вақт режимида

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи
субъектларнинг реестрини шакллантириш
ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

Илмий ва инновацион йўналишда фаолият юритувчи субъектларни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматидан фойдаланиш учун

СЎРОВНОМА

Ариза берувчи ва ташкилот тўғрисида маълумотлар	
1. Фамилияси:	
2. Исми:	
3. Отасининг исми:	
4. Туғилган йили ва санаси:	
5. Жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами (ЖШШИР):	
6. Ташкилот номи:	
7. Солиқ тўловчи ташкилотнинг идентификация рақами (СТИР):	
8. Ариза берувчи ташкилотни Реестрга киритиш ҳамда ташкилот номидан иш юритувчи масъул ходими (илмий идентификация рақами кўрсатилган ҳолда)ни белгилаш юзасидан Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигига юборилган мурожаат хати.	

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

Вазирлар Маҳкамасининг
2026 йил “31” октябрдаги 604-сон қарорига
2-илова

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисидаги низомда:

41-банднинг еттинчи хатбошиси, 57-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

55-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Қуйидаги асосларга кўра изланувчилар ва стажёр-тадқиқотчилар олий таълимдан кейинги таълимдан ёки стажёр-тадқиқотчиликдан четлатилиши мумкин:”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасида сиртқи (махсус сиртқи) ва кечки (сменали) таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 21 ноябрдаги 930-сон қарорида:

а) 1-илованинг 26-бандида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Узрли сабаблар (касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол, ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган, турмуш қуриш, фарзанд кўриш, суд ёки тергов органлари томонидан чақирув) туфайли муайян курсдаги фанларни белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади ва ундаги муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим”;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан шуғулланувчи талаба-қизларларга берилган шахсий жадвалнинг муддати, истисно тариқасида, навбатдаги ўқув йилига ўтиши мумкин, бунда талабанинг давлат гранти асосидаги мақоми сақланиб қолади.”;

б) 2-илованинг 25-бандида:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Узрли сабаблар (касаллик, табиий офат, хизмат сафари, оғир оилавий аҳвол, ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган, турмуш қуриш, фарзанд кўриш, суд ёки тергов органлари томонидан чақирув) туфайли муайян курсдаги фанларни белгиланган муддатларда ўзлаштира олмаган талабаларга муддати қўйилган шахсий жадвал берилади. Шахсий жадвал тегишли проректор томонидан тасдиқланади, ундаги муддат навбатдаги ўқув йилига ўтмаслиги лозим.”;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан шуғулланувчи талаба-қизларга берилган шахсий жадвалнинг муддати, истисно тариқасида, навбатдаги ўқув йилига ўтиши мумкин, бундай ҳолатда талабанинг давлат гранти асосидаги мақоми сақланиб қолади.”.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида” 2019 йил 24 декабрдаги 1030-сон қарорида:

а) 3-банд қуйидаги мазмундаги “д” кичик банд билан тўлдирилсин:

“д) илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлаш учун асос бўладиган уларнинг илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти натижалари Инновацион ривожланиш агентлигининг Илмий ва инновацион фаолиятга оид ахборотларнинг ягона электрон базасида шакллантирилади ва юритилади ҳамда мазкур маълумотлар қўшимча ҳақ белгилашда асосий ахборот манбаи сифатида қўлланилади.”;

б) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги “Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “Молия вазирлигига” сўзлари “Иқтисодиёт ва молия вазирлигига” сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-иловада:

5-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи – ўнинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ушбу Низомда назарда тутилган мезонлар бўйича ходимларнинг илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти натижалари дастлаб Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан юритиладиган Илмий ва инновацион фаолиятга оид электрон кутубхонага киритилади.

Электрон кутубхона оператори Агентлик ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази ҳисобланади.

Электрон кутубхонага киритилган маълумотлар Илмий-техник ахборот марказининг масъул ходими томонидан текширилади ва тасдиқланади.

Текшириш жараёнида киритилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ҳаққонийлиги баҳоланади. Маълумотларнинг тўлиқлиги ёки ҳаққонийлигини тасдиқловчи асослар етарли бўлмаган тақдирда, ушбу маълумотлар рад этилади.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

Белгиланган тартибда тасдиқланган маълумотлар Илмий ва инновацион фаолиятга оид ахборотларнинг ягона электрон базасига киритилади.

Белгиланган тартибда тасдиқланган ҳамда ягона электрон базага киритилган маълумотлар қўшимча ҳақ белгилашда ташкилотнинг ишчи комиссияси ва коллегиал органи томонидан кўриб чиқиладиган асосий ахборот манбаи ҳисобланади.

Белгиланган тартибда тасдиқланмаган маълумотлар қўшимча ҳақ белгилашда ҳисобга олинмайди.";

12-банднинг "г" кичик банди олтинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"5. илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахсларни идентификация тизими (Science ID) орқали юқори илмий фаоллик кўрсатган ҳар бир муаллифга лавозим маошига нисбатан 10 фоизгача;";

қуйидаги мазмундаги 17^4-банд билан тўлдирилсин:

"17^4. Ишчи комиссия қўшимча ҳақ белгилашда ушбу Низомнинг 5-бандига мувофиқ ягона электрон базага киритилган ва тасдиқланган маълумотлардан фойдаланиши шарт.";

24-банддаги "Инновацион ривожланиш вазирлиги" ва "қонун доирасида" сўзлари тегишлича "Агентлик" ва "қонунчилик доирасида" сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг "Илмий-тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2020 йил 9 мартдаги 133-сон қарорига 2-иловада:

2-бандда:

учинчи хатбошидаги "Инновацион ривожланиш вазирлигининг" сўзлари "Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигининг" сўзлари билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошидаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳайъати" сўзлари "Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Илм-фан ва инновациялар кенгаши" сўзлари билан алмаштирилсин;

3-банднинг тўртинчи хатбошисидаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига" сўзлари "Инновацион ривожланиш агентлигига" сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банддаги "Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги" сўзлари "Инновацион ривожланиш агентлиги" сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

11-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Инновацион ривожланиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

21-банддаги “Вазир томонидан” сўзлари “таълим ва илм-фан вазири буйруғи билан” сўзлари билан алмаштирилсин;

22-банддаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Буюртмачи” сўзи билан алмаштирилсин;

24-банддаги “Буюртмачининг” сўзи “таълим ва илм-фан вазирининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

27-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“27. Молиялаштирилаётган “стартап” лойиҳалар ижрочи ташкилотлари Инновацион ривожланиш агентлиги ҳузуридаги “Яшнобод” инновация технопарки ёки бошқа технопаркларнинг резиденти мақомини олиш ҳуқуқига эга.”;

Низомга иловада:

1-босқичнинг “Субъектлар” устунидаги “Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Инновацион ривожланиш агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

2-босқичнинг “Субъектлар” устунидаги “Давлат бошқаруви” ва “давлат” сўзлари тегишлича “Республика ижро этувчи ҳокимият” ва “ижро этувчи” сўзлари билан алмаштирилсин;

5-босқичнинг “Субъектлар” устунидаги “(Инновацион ривожланиш вазирлигининг ҳайъати)” сўзлари чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланиб келаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 19 апрелдаги 222-сон қарорида:

а) 3-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Академик ҳаракатчанлик” дастури дастури доирасида республика ҳудудидаги олий таълим, илмий ва инновацион инфратузилмага эга ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари ва лабораторияларга қисқа муддатли стажировкаларни амалга ошириш харажатлари Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик)га илм-фан ва илмий фаолият соҳасини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари доирасида тегишли шартномага асосан молиялаштирилади”;

учинчи ва бешинчи хатбошилардаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

б) қуйидаги мазмундаги 3^1-банд билан тўлдирилсин:

“3^1. Белгилансинки, “Бўлажак олим” танлови доирасида танловни эълон қилиш, талабгорларни рўйхатдан ўтказиш, аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш, техник, илмий ҳамда молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказиш, баҳолаш, қарорлар ва баённомаларни расмийлаштириш, натижаларни эълон қилиш, шартномалар тузиш, молиялаштириш ва лойиҳалар ижросини мониторинг қилиш жараёнлари Ягона платформа орқали амалга оширилади.”;

в) 4-банднинг биринчи хатбошисидаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

г) 1-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

“Академик ҳаракатчанлик” дастури – ёш олимларнинг ўз иш ёки ўқиш жойидан ажралмаган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида илмий-тадқиқот иши бўйича лойиҳаларни (кейинги ўринларда – лойиҳа) амалга ошириш, шунингдек, илмий алмашинувни назарда тутувчи дастур;

ёш олим – илмий ва инновацион фаолият турлари билан шуғулланадиган шахсларга бериладиган шахсий идентификация рақамига эга, илмий даражаси, унвони, лавозими ва иш жойидан қатъи назар, 40 ёшдан ошмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

ишчи гуруҳ – Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлигида (кейинги ўринларда – Агентлик) тузиладиган “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида республикадаги ёш олимлар ўртасида танловларни ўтказиш, номзодлар тўғрисида хулоса олиш ҳамда ушбу жараённи мувофиқлаштириш ишларини ташкил этувчи гуруҳ;

махсус ахборот тизими – “Академик ҳаракатчанлик” дастури бўйича танловлар ўтказиш, сунъий интеллект технологиялари асосида лойиҳаларни саралаш, баҳолаш ва суҳбат жараёнлари ўтказилишини таъминлайдиган “Академик ҳаракатчанлик” дастурини мувофиқлаштирувчи электрон тизим”;

юборувчи ташкилот – номзоднинг асосий иш жойи бўлган ва Реестрга киритилган юридик шахс;

қабул қилувчи ташкилот – ноёб илмий объектлари, илмий асбоб-ускуналар, илмий лабораториялар ва тажриба-конструкторлик бюроларига эга бўлган, илмий ва инновацион фаолият юритувчи ташкилотларнинг ягона реестри (кейинги ўринларда – Реестр)га киритилган юридик шахс.”;

4, 6 ва 14-бандлардаги “Вазирлик” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

7-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“7. Номзодлар танловда иштирок этиш учун лойиҳаларни махсус ахборот тизими орқали Агентликка тақдим этади”;

8-банднинг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“қабул қилувчи ташкилот томонидан лойиҳанинг ташкилотда амалга оширилишига махсус ахборот тизими орқали тасдиқланган розилиги”;

10 ва 11-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

15-банднинг биринчи хатбошисидаги “вазир ўринбосари даражасидаги раҳбарга юклатилади” сўзлари “Агентлик директори ўринбосарига юклатилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

18-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18. Баённома асосида ғолиб ва рад этилган номзодлар бўйича натижалар Агентлик веб-сайтида жойлаштирилади ҳамда Агентлик директорининг буйруғи қабул қилингандан сўнг ғолиб номзодларнинг лойиҳалари амалга оширилади”;

19-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда махсус ахборот тизими орқали лойиҳаларнинг аввал бажарилганлиги, белгиланган талаблар ҳамда мезонларга мувофиқлигини аниқлаш сунъий интеллект технологиялари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.”;

20-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“20. Ишчи гуруҳ томонидан номзодларнинг лойиҳалари махсус ахборот тизими орқали лойиҳалар ҳимояси *(суҳбат кўринишида)* ўтказилиб, натижалари ишчи гуруҳнинг йиғилишида кўриб чиқилади ва якуний хулосага келинади.”;

22 ва 23-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“22. Танлов натижаларига кўра 50 баллдан юқори натижа кўрсатган номзодлар орасидан лойиҳалар тўпланган баллар кетма-кетлиги бўйича танлов шартларида белгиланган квота доирасида шакллантирилади.

23. Танлов ғолибларига махсус ахборот тизими орқали сертификат берилади.”;

24-банддаги “Вазирлик томонидан “Академик ҳаракатчанлик” дастурини амалга ошириш бўйича” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

25-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Агентлик лойиҳанинг амалга ошириш календарь режасининг қабул қилувчи ташкилот билан келишилган ҳолда махсус ахборот тизими орқали тасдиқланишини таъминлайди.”;

29-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“29. Ғолиб ёш олимларнинг “Академик ҳаракатчанлиги” дастури доирасида лойиҳани бажариш бўйича харажатларини қоплаш илмий

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

фаолиятга оид давлат дастурларини молиялаштириш учун ажратилган бюджет маблағлари ҳисобидан ишчи гуруҳ хулосасига мувофиқ Агентлик директорининг буйруғи ҳамда Агентлик, юборувчи ташкилот ва қабул қилувчи ташкилот, ёш олим ўртасида тузиладиган тўрт томонлама шартнома бўйича молиялаштириш амалга оширилади.”;

31-банддаги “Вазирликка” ва “ғолиб ёш олим фаолият юритаётган ташкилотга” сўзлари тегишлича “Агентликка” ва “юборувчи ташкилотга” сўзлари билан алмаштирилсин;

35-банддаги “ёш олим фаолият юритаётган” ва “Вазирлик” сўзлари тегишлича “юборувчи” ва “Агентлик” сўзлари билан алмаштирилсин;

36-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ғолиб ёш олим томонидан амалга оширилаётган лойиҳанинг календарь режасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши бўйича маълумотларни махсус ахборот тизимида қайд этади ва ушбу маълумотлар қабул қилувчи ташкилот томонидан бириктирилган илмий раҳбар томонидан тасдиқланади.”;

37-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“37. Ғолиб ёш олим “Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида амалга оширилган лойиҳа натижалари ҳисоботини юборувчи ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган ҳолда илмий, илмий-техник кенгашда муҳокама қилингани ҳақидаги йиғилиш баённомаси кўчирмаси, бажарилган ишлар бўйича қабул қилувчи ташкилот, ёш олим билан тузилган далолатнома, ажратилган маблағларнинг сарфланганлиги бўйича ҳисобот Агентликка махсус ахборот тизим орқали тақдим этади.

Ғолиб ёш олим якуний ҳисоботни лойиҳа якунлангандан сўнг ўн беш иш кунида махсус ахборот тизими орқали Агентликка тақдим этади.

Тақдим этилган ҳисоботлар Агентлик томонидан ўрганиб чиқилиб, ҳисобот бўйича камчиликлар аниқланган тақдирда, ғолиб ёш олим беш иш куни муддатда ҳисоботга тегишли тузатишлар киритгандан сўнг махсус ахборот тизими орқали ҳисоботни қайта юборади.”;

қуйидаги мазмундаги 37^1-банд билан тўлдирилсин:

“37^1. Лойиҳа бўйича ҳисоботни белгиланган муддатда тақдим этмаган ёки ҳисобот қониқарсиз деб топилган ҳолатларда:

юборувчи ташкилотга – “Академик ҳаракатчанлик” дастури бўйича ўтказиладиган танловларда бир йил муддат давомида номзодларни тавсия қилиш чекланади;

ёш олимга – “Академик ҳаракатчанлик” дастури бўйича ўтказиладиган кейинги танловларда иштирок этишига йўл қўйилмайди.”;

39-бандда:

биринчи хатбошидаги “Вазирликка” сўзи “Агентликка” сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

иккинчи хатбошидаги “Вазирлик” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Академик ҳаракатчанлик” дастури доирасида ташкил этиладиган танлов учун илмий-тадқиқот иши бўйича лойиҳаларни шакллантириш ва уларни ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқиш ҳамда танлаб олиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (Агентлик)	Расмий веб-сайтлар, махсус ахборот тизимида танлов бўйича эълон беради.	Танлов бошланишидан бир ой олдин
2-босқич	Агентлик	Танлов учун топширилган лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича Агентлик томонидан ишчи гуруҳ тузади.	Танлов бошланишидан камида бир ой олдин
3-босқич	Номзод	Махсус ахборот тизими орқали ариза топширади ва ҳужжатларни тақдим этади.	Танлов эълон қилинган санадан бошлаб
4-босқич	Ишчи гуруҳ	Махсус ахборот тизими орқали тақдим этилган аризаларнинг танлов шартларига мослигини кўриб чиқади. Танлов натижаларига кўра якуний хулосага келади.	Лойиҳалар қабул қилиш якунлангандан сўнг 20 кун ичида
5-босқич	Агентлик	Ғолиб номзодларнинг лойиҳаларини амалга оширишлари учун Агентлик директорининг буйруғини қабул қилади.	Ишчи гуруҳ хулосаси якунлангандан сўнг 15 иш куни ичида
6-босқич	Агентлик	Танловнинг натижаларини Агентликнинг расмий веб-сайти ҳамда махсус ахборот тизимида эълон қилади.	Танлов якунларига кўра
7-босқич	Номзод	Лойиҳа якунланганидан сўнг, амалга оширган фаолияти ҳамда ажратилган маблағларнинг сарфланганлиги бўйича ҳисоботни Агентликка махсус ахборот тизими орқали тақдим этади.	Лойиҳа якунланган санадан бошлаб 15 иш куни ичида
8-босқич	Агентлик Номзод	Номзоднинг ҳисоботини кўриб чиқади. Махсус ахборот тизими орқали ҳисоботдаги камчиликларни тузатади.	15 иш куни ичида 5 иш куни ичида

”.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

2-иловадаги “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ВАЗИРЛИГИ” сўзлари “ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАЪЛИМ ВА ИЛМ-ФАН ВАЗИРЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ АГЕНТЛИГИ” сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 2-иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Мазкур танловни ўтказишга Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) масъул ҳисобланади.

Танлов доирасида аризаларни қабул қилиш, техник, молиявий ва илмий экспертизалар, шунингдек, мониторинг қилиш Агентлик ҳузуридаги Илмий-техник ахборот маркази (кейинги ўринларда – Марказ) томонидан амалга оширилади.”;

3-бандда:

учинчи хатбошидаги “Вазирликда” сўзи “Агентликда” сўзи билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ёш олим** – илмий ва инновацион фаолият билан шуғулланаётган илмий даражаси, унвони, лавозими ва иш жойидан қатъи назар, 20 ёшдан ошган, бироқ 40 ёшга тўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;”;

тўққизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**техник экспертиза** – тақдим этилган илмий ғоялар, илмий ва стартап лойиҳаларнинг ушбу Низом талабларга мувофиқлиги, шунингдек, илмий ғоялар, илмий ва стартап лойиҳалар ҳужжатларига кўра тақдим этилган маълумотларни таҳлил қилишда хатоларни аниқлаш;”;

ўн биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**Коллегиал орган** – Таълим ва илм-фан вазирлигининг Илм-фан ва инновациялар кенгаши (кейинги ўринларда – Коллегиал орган);”;

қуйидаги мазмундаги ўн иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“**Стартаплар бўйича ягона платформа** (кейинги ўринларда – Ягона платформа) – танловларни эълон қилиш, талабгорларни рўйхатдан ўтказиш, аризалар ва ҳужжатларни қабул қилиш, техник, илмий ҳамда молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказиш, баҳолаш, қарорлар ва баённомаларни расмийлаштириш, натижаларни эълон қилиш, шартномалар тузиш, молиялаштириш ва лойиҳалар ижросини мониторинг қилиш жараёнларини электрон шаклда амалга оширишга мўлжалланган ахборот тизими.”;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

4-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Танлов ҳар йили камида бир маротаба Ягона платформа орқали ташкил этилади.”;

5 ва 6-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“5. Танловга иқтидорли ёшлар ва ёш олимларнинг илмий ва инновацион фаолиятини рағбатлантириш ҳамда уларнинг илмий ижодий ғоялари, интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг муаммолари ечимига қаратилган илмий ғоялар, илмий ва стартап лойиҳалар Ягона платформа орқали қабул қилинади.

6. Агентлик танлов бошланишидан камида бир ой олдин Ягона платформада ва ўзининг расмий веб-сайтида танлов ўтказилиши бўйича эълон жойлаштиради. Эълонда аризаларни шакллантириш, рўйхатдан ўтказиш ва тақдим этиш тартиби, қабул қилиш муддатлари, талаблар, баҳолаш мезонлари ва танловнинг бошқа шартлари кўрсатилади.”;

қуйидаги мазмундаги 8^1-банд билан тўлдирилсин:

“8^1. Танловга оид барча маълумотлар ва ҳужжатлар Ягона платформада шакллантирилади, тақдим этилади, кўриб чиқилади ва сақланади. Ягона платформадан ташқарида тақдим этилган ариза ва ҳужжатлар Танлов доирасида кўриб чиқилмайди, қонунчиликда назарда тутилган техник узилиш ҳолатлари бундан мустасно.”;

10 ва 39-бандлардаги, 41-банднинг иккинчи хатбошисидаги тегишли келишикдаги “Вазирлик” сўзи тегишли келишикдаги “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

11-банддаги “вазир ўринбосари” сўзлари “Агентлик директори ўринбосари” сўзлари билан алмаштирилсин;

12-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Танлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорлар Ягона платформа орқали электрон шаклда тузиладиган баённома билан расмийлаштирилади ва тасдиқланади.”;

13-банддаги “инновацион ривожланиш вазирининг” сўзлари “Агентлик директорининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“14. Иқтидорли ёшларнинг аниқ амалга ошириш механизмлари, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилган илмий ғоялари танлов эълон қилингандан сўнг, Ягона платформа орқали тақдим этилганда кўриб чиқилади.”;

15-банднинг биринчи – тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“15. Илмий ғоялар бўйича аризалар Агентлик томонидан белгиланган муддатлар, талаблар ва шаклларга мувофиқ Ягона платформа орқали тақдим этилади ҳамда камида икки ой муддатда икки босқичда қуйидаги тартибда талабгорларнинг саралаш танловларини ўтказади:

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

1-босқичда киритилган илмий ғоялар ушбу Низомнинг 14-бандига мос равишда тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлиги Марказ томонидан Ягона платформа орқали кўриб чиқилади. Марказ зарур ҳолатларда, тақдим этилган илмий ғоялар бўйича қўшимча маълумотлар, тақдимотлар талаб этиши ва илмий ғояларни ўрганишда тегишли мутахассисларни жалб қилиши мумкин;

танлов доирасида талабгор томонидан тақдимот қилинган илмий ғояларда камчилик мавжуд бўлган тақдирда, талабгорга такомиллаштириш учун қайтарилади. Талабгор илмий ғояни бир ой муддат ичида такомиллаштирилган ҳолда Ягона платформа орқали қайта тақдим этади. Бир ойдан кеч тақдим этилган илмий ғоялар қабул қилинмайди.

1-босқич натижалари бўйича танловнинг 2-босқичида иштирок этадиган талабгорлар тўғрисида йиғма рўйхат Ягона платформада шакллантирилади.";

16-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"16. Талабгорларни тақдимот ҳимояси натижалари ва ҳар бир мезон асосида баҳолаш ҳамда ғолиб деб топиш Ягона платформа орқали амалга оширилиб, Танлов комиссиясининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Бунда камида 50 балл тўплаган илмий ғоялар Танлов комиссияси қарори билан ғолиб деб топилиши мумкин.";

18–20-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"18. Танлов доирасида эълон қилинадиган илмий лойиҳа мавзулари Агентлик томонидан Ягона платформа орқали келиб тушган давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, илмий фаолият субъектларининг асосланган таклифлари, шунингдек, фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари, тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот (технологиялар)га бўлган эҳтиёжлари асосида шакллантирилади.

19. Шакллантирилган илмий лойиҳа мавзулари Танлов комиссияси томонидан Ягона платформа орқали кўриб чиқилганидан сўнг белгиланган тартибда Агентлик томонидан Ягона платформада ва расмий веб-сайтда эълон қилинади.

Эълон қилинган илмий мавзулар асосида талабгорлар томонидан киритилган илмий лойиҳалар Марказ томонидан Ягона платформа орқали қабул қилинади ва техник экспертизадан ўтказилади.

Агентлик танлов доирасида ёш олимларнинг Ягона платформа орқали тақдим этилган таклифларига мувофиқ иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг мавжуд муаммолари, тижоратлаштириш имконияти мавжуд якуний тайёр маҳсулот ёки технологияларга бўлган эҳтиёжлари бўйича мавзу эълон қилинмаган йўналишларда ташаббускор илмий лойиҳаларни қабул қилиши мумкин.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

Ташаббускор илмий лойиҳалар бўйича аризалар Агентлик томонидан белгиланган талаблар, муддатлар, ташаббускор лойиҳаларнинг йўналишлари ва шаклларга мувофиқ Ягона платформа орқали тақдим этилади. Бунда илмий лойиҳаларни амалга ошириш механизми, муддатлари ва кутилаётган натижалар кўрсатилган бўлиши шарт.

20. Танлов доирасида эълон қилинадиган илмий лойиҳа мавзулари ва ташаббускор илмий лойиҳалар бўйича аризалар Агентлик томонидан белгиланган муддатлар, талаблар ва шаклларга мувофиқ Ягона платформа орқали қабул қилинади ва сараланади.

Марказ томонидан шакллантириладиган ва мувофиқлаштириладиган тегишли фан йўналишлари бўйича экспертлар жамоаси техник экспертизадан ўтган илмий лойиҳаларни Ягона платформа орқали баҳолайди, илмий экспертизадан ўтказади ва хулосаларни Ягона платформага киритади.

Танловга ҳужжатлар топшириш муддатининг охирги санасигача танлов ҳужжатларида белгиланган талабларга жавоб берадиган камида битта илмий лойиҳа аризаси келиб тушган бўлса, танлов ҳақиқий деб ҳисобланади.

Техник ва илмий экспертизада ижобий баҳоланган ва молиялаштиришга тавсия этилган илмий лойиҳаларининг якуний рўйхатини тасдиқлаш тўғрисидаги қарор Коллегиал орган томонидан қабул қилиниб, Ягона платформа орқали расмийлаштирилади.

Агар танловда эълон қилинган мавзу бўйича ҳеч ким қатнашмаган бўлса, у ҳолда танлов бўлмаган деб ҳисобланади. Бу ҳолда Агентлик ушбу лойиҳа бўйича бир хил шартлар ва талаблар асосида Ягона платформада қайта танлов эълон қилади.

Агар лойиҳаларнинг техник экспертизаси натижаларига кўра, Агентлик барча лойиҳаларни рад этса, танлов бўлмаган деб топилади ва қайта танлов эълон қилинади.

Танлов ҳужжатлари шартларини ўзгартирмасдан қайта танловда аризаларни қабул қилиш муддати камида ўн иш куни этиб белгиланади. Муқобил ариза келиб тушмаган тақдирда, ҳужжатлар Ягона платформа орқали Коллегиал органга киритилади. Коллегиал орган мазкур мавзу бўйича қайта танлов эълон қилиш ёки эълон қилмаслик тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Битта илмий лойиҳани амалга ошириш учун талаб қилинадиган маблағларнинг умумий миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 2000 бараваридан ошмаслиги лозим.”;

22-банднинг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Стартап лойиҳалар бўйича таклифлар Танлов эълон қилинганидан сўнг талабгорларнинг аниқ амалга ошириш механизмлари, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилган стартап лойиҳалари асосида кўриб чиқилади. Танлов

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

доирасида талабгорлар томонидан тайёрланган стартап лойиҳалари Марказ томонидан Ягона платформа орқали тақдим этилади ва қабул қилинади.”;

23-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“23. Стартап лойиҳалар бўйича аризалар Агентлик томонидан белгиланган муддатлар, талаблар ва шаклларга мувофиқ Ягона платформа орқали қабул қилинади ва сараланади.”;

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Тақдимот ва баҳолаш натижалари Ягона платформада қайд этилади.”;

24-банд қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Танлов комиссиясининг ҳар бир мезон бўйича қўйган баллари ва изоҳлари Ягона платформага киритилади.”;

25-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“25. Танлов комиссиясининг стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш бўйича мажлиси натижалари бўйича камида 50 балл тўплаган стартап лойиҳалар 1-босқичдан муваффақиятли ўтган ҳисобланади ҳамда Марказ томонидан 2-босқич – молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказилади.”;

иккинчи хатбошидаги “Ёшлар академияси” сўзлари “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

26-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“26. Коллегиал орган томонидан стартап лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштирмаслик тўғрисидаги қарор қабул қилинади ва қарор Ягона платформада расмийлаштирилади ҳамда таълим ва илм-фан вазирининг буйруғи билан тасдиқланади.”;

30-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“30. Танлов комиссияси муваффақиятли деб топган ва тасдиқлаган илмий ғоялар Ягона платформада расмийлаштирилган натижалар асосида Агентлик директорининг буйруғи қабул қилингандан сўнг рағбатлантирилади.

Агентлик директорининг буйруғига асосан, муваффақиятли деб топилган илмий ғоя муаллифларига пул маблағлари уларнинг номига очилган банк пластик картасига ўтказиб берилади.

Бунда тўлов тўғрисидаги маълумот Ягона платформа орқали қайд этилади.”;

31-бандда:

биринчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирининг” сўзлари “Агентлик директорининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги “Вазирлик” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Илмий лойиҳаларни молиялаштиришда ҳисоб-китоблар ва молиявий режанинг шакллари, тартиби, харажатларнинг ҳажми ҳамда турларини аниқлаш тартиби Агентлик томонидан белгиланади ҳамда Ягона платформада жойлаштирилади.”;

32-банддаги “инновацион ривожланиш вазирининг” сўзлари “таълим ва илм-фан вазирининг” сўзлари билан алмаштирилсин;

33 ва 34-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“33. Стартап лойиҳалар Агентлик, Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан танлов натижаларига кўра ғолиб деб топилган талабгор фаолият юритаётган (ёки у томонидан ташкил этиладиган) стартап лойиҳани амалга оширувчи юридик шахс ўртасида Ягона платформа орқали расмийлаштириладиган шартнома шартларига мувофиқ молиялаштирилади.

34. Молиялаштирилаётган стартап лойиҳалар ижрочи ташкилотлари белгиланган тартибда Агентлик ҳузуридаги “Яшнобод” инновация технопарки ёки бошқа технопаркларнинг резиденти мақомини олиш ҳуқуқига эга.”;

35-бандда:

биринчи хатбошидаги “Вазирлик” сўзи “Агентлик” сўзи билан алмаштирилсин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Илмий ва стартап лойиҳаларнинг мониторинг натижалари бўйича жамланма ҳисоботни белгиланган тартибда қабул қилиш, шунингдек, уларни бажариш бўйича ахборот ва бошқа таҳлилий материалларни шакллантириш Марказ томонидан Ягона платформа орқали амалга оширилади.”;

36 ва 36-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“36. Илмий ғояларни амалга ошириш жараёни Марказ томонидан Ягона платформа орқали мониторинг қилинади. Илмий ғоялар бўйича белгиланган ишларни ўз муддатида бажармаслик, шунингдек, ҳисоботларни топшириш муддатлари ва молиявий интизомни бузиш Агентликнинг ташаббуси билан талабгорнинг икки йилга Танловда қатнашишини чеклаш учун асос бўлади. Мазкур чеклов Ягона платформада қайд этилади.

37. Илмий ва стартап лойиҳаларнинг натижалари Марказ томонидан Ягона платформа орқали мониторинг қилинади.”;

38-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“38. Зарур ҳолларда, тегишли фан йўналишлари бўйича экспертлар жамоаси билан биргаликда мустақил эксперт ва мутахассисларни жалб этган ҳолда, илмий ва стартап лойиҳаларнинг бажарилишини мониторинг қилади

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

ва мониторинг жараёнида олинган ҳужжатлар, хулосалар ва натижалар Ягона платформага киритилади.”;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ягона платформа орқали тақдим этилган ҳисоботларни экспертлар томонидан кўриб чиқиш;”;

40-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“40. Илмий ва стартап лойиҳалар мониторинги натижалари бўйича Марказнинг Ягона платформада расмийлаштирган хулосаларига кўра Агентлик томонидан илмий йўналишларнинг истиқболини белгилаш, илмий ва стартап лойиҳаларни молиялаштиришни давом эттириш ёки тўхтатиш бўйича қарор қабул қилиш учун Коллегиал органга киритишга асос ҳисобланади.”;

Низомга 1-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Танлов доирасида илмий ғояларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва танлаб олиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (Агентлик)	“Бўлажак олим” танлови доирасида ёш олимлар учун Ягона платформада ва Агентликнинг расмий веб-сайтида танлов эълон қилади.	Бир йилда камида бир марта
2-босқич	Танлов иштирокчиси	Аниқ амалга ошириш механизмлари, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилган илмий ғояларни Ягона платформа орқали тақдим этади.	Танлов эълон қилингандан сўнг бир ой муддатда
3-босқич	Марказ	Низом талабларига мос равишда тўлиқ тақдим этилганлиги ва расмийлаштирилганлигини Ягона платформа орқали кўриб чиқади ва муваффақиятли деб топилган илмий ғоялар бўйича йиғма рўйхатни шакллантиради ҳамда Танлов комиссиясига тақдим этади.	Танловга ҳужжатларни қабул қилиш якунланган санадан бошлаб, 30 кун ичида
4-босқич	Танлов комиссияси	Талабгорлар томонидан илмий ғояларининг тақдимот шаклида ҳимоя қилинишини ташкил этади, баҳолайди ва якуний хулосани Ягона платформада	Танлов комиссиясига йиғма рўйхат тақдим этилгандан сўнг 30 кун ичида

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

		расмийлаштиради.	
5-босқич	Агентлик	Ғолиб талабгорларнинг илмий ғояларини амалга оширишлари учун Агентлик директорининг тегишли буйруғини қабул қилади ва буйруқ маълумотларини Ягона платформага киритади.	Танлов комиссияси хулосаси расмийлаштирилгандан сўнг 10 кун ичида
6-босқич	Агентлик	Танлов ғолибларини Ягона платформада, Агентлик расмий веб-сайтида ва зарур ҳолларда интернет нашрларида эълон қилади.	Агентлик директорининг тегишли буйруғи қабул қилингандан сўнг 10 кун ичида

”;

Низомга 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Танлов доирасида илмий лойиҳаларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва танлаб олиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	**Субъектлар**	**Амалга ошириладиган тадбирлар**	**Муддатлар**
1-босқич	Таълим ва илм фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (Агентлик)	“Бўлажак олим” танлови доирасида ёш олимлар учун Ягона платформада ва Агентликнинг расмий веб-сайтида танлов эълон қилади.	Бир йилда камида бир марта
2-босқич	Агентлик	Танлов доирасида эълон қилинадиган илмий лойиҳа мавзуларини, шу жумладан, Ягона платформа орқали келиб тушган таклифлар асосида шакллантиради.	Йил давомида
3-босқич	Танлов комиссияси Агентлик	Агентлик томонидан шакллантирилган илмий лойиҳа мавзуларини Ягона платформа орқали кўриб чиқади ва эълон учун танлаб олади. Танлаб олинган мавзулар рўйхатини Ягона платформада эълон қилади.	Танлов эълон қилишдан 20 кун аввал Танлов эълон қилинган кундан бошлаб

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

4-босқич	Марказ	Эълон қилинган илмий мавзулар асосида ёки ташаббускор илмий лойиҳаларни Ягона платформа орқали қабул қилади.	Лойиҳалар қабул қилиш якунлангунча
5-босқич	Марказ	Танлов доирасида қабул қилинган илмий лойиҳаларни Ягона платформа орқали техник экспертизадан ўтказади ва натижаларни платформада расмийлаштиради.	Лойиҳалар қабул қилиш якунлангандан сўнг 15 кун ичида
6-босқич	Тегишли фан йўналишлари бўйича экспертлар жамоаси	Техник экспертизадан ўтказилган илмий лойиҳаларни Ягона платформа орқали баҳолайди, илмий экспертизадан ўтказади ва хулосаларни платформага киритади.	Техник экспертиза якунлангандан сўнг 30 кун ичида
7-босқич	Коллегиал орган	Техник ва илмий экспертизада ижобий баҳоланган ҳамда молиялаштиришга тавсия этилган илмий лойиҳаларнинг якуний рўйхатини тасдиқлайди, қарорни Ягона платформада расмийлаштиради ва натижаларни эълон қилади.	Илмий экспертиза якунлангандан сўнг 10 кун ичида

”;

Низомга 3-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Танлов доирасида стартап лойиҳаларни кўриб чиқиш ва танлаб олиш СХЕМАСИ

Босқичлар	**Субъектлар**	**Амалга ошириладиган тадбирлар**	**Бажариш Муддатлар**
1-босқич	Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (Агентлик)	“Бўлажак олим” танлови доирасида ёш олимлар учун Ягона платформада ва Агентликнинг расмий веб-сайтида танлов эълон қилади.	Бир йилда камида бир марта

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

2-босқич	Танловда иштирок этмоқчи бўлган талабгорлар	Аниқ амалга ошириш механизмлари, муддати ва дастлабки натижалари кўрсатилган стартап лойиҳалар бўйича ариза ва ҳужжатларни Ягона платформа орқали Агентликка тақдим этади.	Лойиҳаларни қабул қилиш якунлангунга қадар
3-босқич	Танлов комиссияси	Аризаларнинг танлов шартларига мувофиқлиги, лойиҳанинг ҳаётга татбиқ этиш даражаси ва натижадорлиги бўйича тақдимотни ўтказади, баҳолаш натижаларини Ягона платформада расмийлаштиради.	Лойиҳалар қабул қилиш якунлангандан сўнг 20 кун муддатда
4-босқич	Марказ	Танлов комиссиясидан муваффақиятли ўтган стартап лойиҳаларни Ягона платформа орқали молиявий-иқтисодий экспертизадан ўтказади ва хулосани платформага киритади.	3-босқич якунлангандан сўнг 20 кун муддатда
5-босқич	Коллегиал орган	Молиявий-иқтисодий экспертиза натижалари асосида стартап лойиҳани молиялаштириш ёки молиялаштирмаслик тўғрисида қарор қабул қилади, қарорни Ягона платформада расмийлаштиради ва натижани эълон қилади.	4-босқич якунлангандан сўнг 10 кун муддатда

”;

е) 3-иловада:

1-банд “номзодларни етакчи хорижий” сўзларидан кейин “олий таълим ва” сўзлари билан тўлдирилсин;

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

буюртмачи – олий таълим ва илмий, шунингдек, инновацион соҳада фаолият юритадиган юридик шахс;

махсус эксперт гуруҳи – стажировка ўташга юбориш бўйича саралаш танловларни ўтказиш, ғолиб ва рад этилган номзодлар тўғрисида хулоса олиш ҳамда ушбу жараённи мувофиқлаштириш ҳуқуқига эга Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

мақсадли танловлар – Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги ташаббусига кўра илм-фан соҳасида етакчи хорижий олий таълим ва илмий ташкилотлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича тузилган англашув битимлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси топшириқларини амалга ошириш мақсадида эълон қилинадиган танловлар;

маълумот (ҳужжат)лар – буюртмачилар томонидан стажировка ўташга юбориш мақсадида тавсия этилган номзодлар тўғрисида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ҳужжатлар тўплами;

махсус ахборот тизими – танловлар ва стажировкаларни ташкил этишнинг барча жараёнларида ахборотларнинг электрон шаклда алмашинувини, сунъий интеллект технологиялари асосида номзодларни саралаш, баҳолаш ва суҳбат жараёнлари ўтказилишини таъминлайдиган комплекс – дастурий маҳсулот;

стажировка – номзодларнинг етакчи хорижий олий таълим ва илмий ташкилотларда белгиланган муддат давомида илмий фаолиятни амалга ошириш, илғор тажриба ва замонавий тадқиқот усулларини ўзлаштириш, илмий салоҳиятини оширишга қаратилган илмий фаолият тури;

қабул қилувчи ташкилот – танловдан муваффақиятли ўтган номзодлар стажировкага юбориладиган QS (Quacquarelli Symonds), THE (Times Higher Education) ёки ARWU (Academic Ranking of World Universities) халқаро рейтинглари бирида ТОП – 500 таликка кирган хорижий таълим ташкилотлари ёки AD Scientific Index (Alper-Döger Scientific Index) рейтингида ТОП – 1000 таликка кирган хорижий илмий ташкилот ёки марказлар;

2^1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2^1.Таълим ва илм-фан вазирлиги (кейинги ўринларда – Вазирлик) ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурлари, қабул қилинган стратегиялари ҳамда устувор йўналишларидан келиб чиқиб, Ташқи ишлар вазирлиги ва соҳа бўйича фаолият кўрсатаётган халқаро ташкилотлар орқали ҳамкорлик ўрнатиладиган қабул қилувчи ташкилотлар сонини кўпайтириш чораларини кўради.”;

3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“3. Стажировка ўташга юбориш мақсадида Агентлик даврий равишда, календарь йилида камида бир маротаба 1 июлга қадар танлов эълон қилади.”;

5-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

6-банддаги “ёши 20 дан 40 гача бўлган номзодлар юборилади” сўзлари “ёши 20 дан ошган 40 ёшга тўлмаган номзодлар ариза топширади” сўзлари билан алмаштирилсин;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

7-банддан “етакчи хорижий илмий ташкилотларда (марказлар, университетлар ва бошқалар)” сўзлари чиқариб ташлансин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Навбатдаги календарь йилидаги эълон қилинган танловларда аввал илмий стажировкани ўтаб келган шахслар тегишли ҳисоботларни тақдим этганидан сўнг номзод сифатида иштирок этишлари мумкин.”;

қуйидаги мазмундаги 8^1-банд билан тўлдирилсин:

“8^1. Бир вақтнинг ўзида бир номзод фақат битта танловда иштирок этади. Аризаси кўриб чиқиш жараёнида бўлган номзодлар амалдаги аризасини бекор қилиш орқали навбатдаги танловга ариза топшириши мумкин.”;

11-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“11. Номзодлар танловларда иштирок этиш учун Агентликка махсус ахборот тизими орқали қуйидаги маълумот (ҳужжат)ларни тақдим этади:”;

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи – саккизинчи хатбошилар тегишлича учинчи – еттинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“якка тартибдаги стажировкалар бўйича эълон қилинган танловда иштирок этиш учун номзод томонидан қўшимча равишда қабул қилувчи ташкилотнинг розилик (таклифнома) хати ва стажировка даврида амалга ошириладиган ишлар дастури ҳамда стажировка учун талаб этиладиган харажатлар сметаси тақдим этилади”;

13-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“13. Буюртмачи томонидан номзодлар тўғрисидаги буюртмачи коллегиал органи (илмий кенгаш, кенгаш, илмий-техникавий кенгаш, илмий-мувофиқлаштирувчи кенгаш ва бошқа шаклларда бўлиши мумкин) қароридан кўчирмани махсус ахборот тизими орқали Агентликка тақдим этади.”;

17-бандда:

биринчи хатбошидаги “Агентлик директорига” сўзлари “Агентлик директори ўринбосарига” сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбоши “эксперт сифатида” сўзларидан олдин “, қабул қилувчи ташкилот вакилини” сўзлари билан тўлдирилсин;

28-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Саралаш танловининг 1-босқичи номзодлар томонидан тақдим этилган ҳужжатларнинг ушбу Низомнинг 11 ва 13-бандларига мувофиқ тўлиқлиги ва расмийлаштирилганлигини, мақсад ва вазифалари, кутилаётган натижалари танлов йўналишлари ҳамда қабул қилувчи ташкилот фаолиятига ва дастурига мослиги баҳоланади.”;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда баҳолаш махсус ахборот тизими орқали сунъий интеллект технологиялари ёрдамида амалга оширилиши мумкин.”;

учинчи – ўн учинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи – ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Саралаш танловининг 1-босқичи якунлари бўйича маълумот (ҳужжат)лари тақдим этилган номзодлар бўйича 2-босқичда иштирок этишга ўтказилган номзодлар тўғрисидаги маълумотлар махсус ахборот тизими орқали шакллантирилади.”;

қуйидаги мазмундаги ўн бешинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ғолиблар танлов шартларида белгиланган квота доирасида Махсус эксперт гуруҳи томонидан энг юқори балл кетма-кетлиги бўйича аниқланади.”;

30-банд “тузиладиган якуний хулоса” сўзларидан кейин “Агентлик томонидан” сўзлари билан тўлдирилсин;

46-бандда:

биринчи хатбошидаги “Агентликка тақдим этилади” сўзлари “Махсус эксперт гуруҳига кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун киритилади” сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Махсус эксперт гуруҳи томонидан номзод аризасида белгиланган мақсад ва вазифалари тўлиқ бажарилганлик ҳолати кўриб чиқилади ва ижобий баҳоланган тақдирда, стажировка муваффақиятли якунланган деб ҳисобланади.

Илмий хисобот Махсус эксперт гуруҳи томонидан қабул қилинмаган тақдирда, ёш олимнинг стажировка даврида ишлатилган маблағлари унинг иш ҳақидан ушлаб қолиниб, Буюртмачи томонидан Жамғармага ўтказиб берилади.”;

Низомга 2-илованинг матни қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ёш олимларни етакчи хорижий олий таълим ва илмий ташкилотларга қисқа муддатли илмий стажировкаларга юбориш мақсадида танловларни ташкил этиш, ўтказиш, саралаш, молиялаштириш ва стажировка якуни бўйича ҳисобот тақдим этиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Муддатлар
1-босқич	Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (Агентлик)	Республикадаги ёш олимларни стажировкаларга юбориш бўйича Агентлик веб-сайти ва махсус ахборот тизимида танлов тўғрисида эълон жойлаштиради.	Танлов бошланишидан камида бир ой олдин

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

2-босқич	Буюртмачи ташкилотлар	1. Тавсия этилган номзодларнинг маълумотларини ва зарур ҳужжатларни махсус ахборот тизими орқали электрон шаклда тақдим этади. 2. Илмий кенгаш баённомасини махсус ахборот тизими орқали киритади ҳамда номзодларнинг аризаларини тасдиқлайди.	Танловда белгиланган муддатда
3-босқич	Агентлик	Номзодларни саралаб олиш учун Агентлик ҳузурида Махсус эксперт гуруҳини тузади.	Ҳар йили январь ойида
4-босқич	Махсус эксперт гуруҳи	Номзодларнинг саралаш танлов босқичларини ўтказиб, якуний хулосани Агентликка тақдим этади.	Камида бир ой муддатда
5-босқич	Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси Кузатув кенгаши	Ғолиб номзодлар стажировкасини молиялаштириш мақсадида Жамғарма Кузатув кенгашининг тегишли қарорини қабул қилади.	Агентлик йўлланма хати киритилгандан сўнг камида бир ой муддатда
6-босқич	Агентлик	Танлов ғолибларини расмий веб-сайт ва махсус ахборот тизимида эълон қилади.	5-босқич якунлангандан сўнг камида 10 кун муддатда
7-босқич	Буюртмачи ташкилотлар	Стажировка якуни бўйича молиявий ва илмий ҳисоботлар тақдим этади.	Молиявий ҳисобот: стажировка ўтаб келган кундан 10 иш кунида; Илмий ҳисобот: коллегиал орган қарори чиққан кундан 10 иш кунида

”.

6. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 июндаги 344-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларига академик таътил бериш тўғрисидаги низомнинг 17-банди қуйидаги мазмундаги иккинчи ва учинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Академик таътилдан қайтган талаба қизларга фанлар фарқини мустақил топшириш учун 2 йилгача муддат берилади, улар фанларнинг ўқув

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

дастури, ўқув материаллари билан таъминланади ва зарур шароитлар яратилади;

академик таътилдан қайтган талаба қизлардан фанлар фарқини топширишда тўлов ундирилмайди.”.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларининг қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2021 йил 6 июлдаги 421-сон қарорида:

а) 2-бандда:

“а” кичик банддаги ҳамда “б” кичик банднинг биринчи хатбошисидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Таълим ва илм-фан вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

“в” ва “г” кичик бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“в) қўшма таълим дастурлари асосида ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда тасдиқланган тартиб асосида амалга оширилади:

г) қўшма таълим дастурларига оид зарур маълумотлар, қабул параметрлари ҳамда кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби қабул жараёни бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади;”;

“е” кичик банддаги “давлат намунасидаги” сўзлари “белгиланган намунадаги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

2-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2. Мазкур Низом:

хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотлари билан тузилган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Республикасида қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлайдиган олий таълим ташкилотларига нисбатан татбиқ этилади;

ҳарбий олий таълим муассасалари, Ўзбекистон Республикасидаги хорижий олий таълим ташкилотлари ва уларнинг филиалларига нисбатан татбиқ этилмайди.”;

5-банднинг учинчи хатбошисидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг қўшма қарори” сўзлари “Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги ҳамда Таълим ва илм-фан вазирлигининг қўшма қарори билан” сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Қўшма таълим дастурлари Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги томонидан экспертизадан ўтказилади.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлигининг ижобий экспертиза хулосасига эга бўлган қўшма таълим дастурлари асосида таълим фаолиятини ташкил этишга рухсат этилади.";

9-банднинг биринчи ва ўн тўртинчи хатбошилари, 10-банд, 11-банднинг ўн тўққизинчи хатбошиси, 12-банддаги "Олий ва ўрта махсус таълим" сўзлари "Таълим ва илм-фан" сўзлари билан алмаштирилсин;

13 ва 14-бандлар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"13. Қўшма таълим дастурлари асосида ўқишга қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти томонидан хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти билан келишилган ҳолда тасдиқланган тартиб асосида амалга оширилади.

14. Қўшма таълим дастурларига оид зарур маълумотлар, қабул параметрлари ҳамда кириш имтиҳонларини ўтказиш тартиби қабул жараёни бошланишидан камида икки ой олдин Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

Қўшма таълим дастурларига ҳужжат топшириш онлайн шаклда амалга оширилади ва имтиҳон натижалари имтиҳон ўтказилган куннинг кейинги куни Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотининг расмий веб-сайтида эълон қилинади.";

19-банд қуйидаги мазмундаги учинчи ва тўртинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

"Қўшма таълим дастурида таҳсил олаётган ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан шуғулланувчи талаба қизларларга хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти розилиги асосида ўқув режаларига мувофиқ хорижий ҳамкор олий таълим ташкилотларига бормасдан таълимни давом эттириш имконияти яратилади.

Бунда ҳомиладорлик ёки 3 ёшга тўлмаган фарзанд парваришланаётгани ҳолати меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ва парваришга муҳтож боланинг туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома асосида аниқланади. Мазкур ҳолат тасдиқлангандан сўнг талабанинг кейинги таълим траекторияси Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти ва хорижий ҳамкор олий таълим ташкилоти томонидан ўзаро келишилган ҳолда белгиланади.";

27-бандда:

биринчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

"27. Қўшма таълим дастурлари асосида таҳсил олган битирувчилар ҳақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлигининг махсус электрон тизимига киритилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилоти тизимга киритилган битирувчиларни белгиланган намунадаги дипломлар билан таъминлаш учун Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Олий таълимни ривожлантириш ва глобал ҳамкорлик маркази билан шартнома тузади.";

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

иккинчи ва учинчи хатбошилардаги “давлат намунасидаги” сўзлари “белгиланган намунадаги” сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 25 февралдаги 88-сон қарори билан тасдиқланган Фаолиятни бошлаш ёки тугатиш учун ваколатли органни хабардор қилиш тартиби тўғрисида ягона низомга 6-иловада:

а) 6-позициянинг учинчи устунида:

“д” кичик банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар давлат муассасалари биноларида фаолият олиб борганда, тегишли хулоса бино тегишли бўлган давлат муассасаси томонидан олинади.”;

“е” кичик банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар давлат муассасалари биноларида фаолият олиб борганда тегишли хулоса бино тегишли бўлган давлат муассасаси томонидан олинади.”;

б) 9-позициянинг учинчи устунида:

“а” кичик банд “ишлаб чиқилган бўлиши” сўзларидан кейин“, якка тартибдаги тадбиркорлар бундан мустасно;” сўзлари билан тўлдирилсин;

“з” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“з) таълим ташкилотидаги хоналар учун ажратиладиган минимал майдон ўлчами:

юридик шахслар учун:

дарс машғулотлари учун:

тўгарак машғулотлари хонаси – 15 м^2;

устахона – 30 м^2 (агар мавжуд бўлса);

студия ва индивидуал машғулотлар хонаси умумий

майдони – 20 м^2 (агар мавжуд бўлса);

умумназарий ва умумтаълим лаборатория хоналари – 25 м^2 (агар мавжуд бўлса);

якка тартибдаги тадбиркорлар учун:

дарс машғулотлари ташкил этиш учун хона – 15 м^2”;

“и” кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“и) ўқув аудиторияларида таълим фаолияти учун яратилган шароитларга қўйиладиган минимал талаблар:

электрон ёки оддий доска – 1 дона;

проектор – 1 дона (фақат юридик шахслар учун талаб этилади);

аудиториянинг ёритилиш даражаси – 400 люкс (фақат юридик шахслар учун талаб этилади)”;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

“й” кичик банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар давлат муассасалари биноларида фаолият олиб борганда, мазкур талабни бажарганлик юзасидан тегишли хулоса бино тегишли бўлган давлат муассасаси томонидан олинади.”;

“к” кичик банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда якка тартибдаги тадбиркорлар давлат муассасалари биноларида фаолият олиб борганда, мазкур талабни бажарганлик юзасидан тегишли хулоса бино тегишли бўлган давлат муассасаси томонидан олинади.”.

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим ташкилотларида масофавий таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 3 октябрдаги 559-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбошилари, 4 ва 5-бандлардаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Таълим ва илм-фан вазирлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) иловада:

14-банд ва 15-банднинг иккинчи хатбошисидаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги” сўзлари “Таълим ва илм-фан вазирлиги” сўзлари билан сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги 21^1-банд билан тўлдирилсин:

“21^1. Ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан шуғулланувчи талаба-қизларга ушбу Низомнинг 21-бандида назарда тутилган талаблар татбиқ этилмайди, якуний давлат аттестацияси синовлари бўйича белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.”;

28-банддаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари “Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳамда Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

29-банддаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг” сўзлари “Таълим ва илм-фан вазирлиги” сўзлари билан ҳамда Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси” сўзлари “Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлиги” сўзлари билан алмаштирилсин;

31-банддаги “Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ёки Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг” сўзлари “Таълим ва илм-фан вазирлиги ёки Таълим сифатини таъминлаш миллий агентлигининг” сўзлари билан алмаштирилсин.

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи талаба ёшларнинг ишлаш ва саёҳат қилиш мақсадида хорижий давлатларга бориши ва келиши билан боғлиқ харажатлар учун ссуда ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисида” 2025 йил 2 майдаги 290-сон қарорида:

а) номи “талаба” сўзидан кейин “ва ўқувчи” сўзлари билан тўлдирилсин;

б) муқаддима қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Олий ва касбий таълим ташкилотлари талаба ва ўқувчи ёшларининг таътил даврида хорижий давлатларда ишлаш ва саёҳат қилиш имконини берувчи “Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этишини қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг таълимдан бўш вақтларини мазмунли ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:”;

в) 1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. 2025 йил 15 майдан бошлаб талаба ёшларга ҳамда 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб техникумларнинг ўрта ва ўрта махсус касбий таълим дастурларида таълим олаётган ўқувчиларга “Work and travel” халқаро дастурлари доирасида хорижий давлатларда (Европа Иттифоқи давлатлари, Жанубий Корея, Япония, Буюк Британия, АҚШ, Канада, Австралия, Янги Зеландия) ишлаш ва саёҳат қилиш учун ушбу давлатларга бориш ва келиш ҳамда бошқа харажатларни қоплаш мақсадида ссуда (кейинги ўринларда – ссуда) ажратиш тартиби жорий этилсин. Бунда:

Ёшлар ишлари агентлигининг Ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан ҳар йили 2 000 нафаргача талаба ва ўқувчи ёшларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 40 баравари миқдорида ссуда ажратилади;

ссуда ажратиш ҳақидаги аризалар Давлат хизматлари маркази ёки Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали қабул қилинади;

талаба ва ўқувчи ёшлар ажратилган ссудани ишлаш ва саёҳат қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи визада қайд этилган хорижий давлатда бўлишнинг сўнгги санасидан бошлаб бир ой муддатда Ёшлар ишлари агентлигига тўлиқ қайтариш мажбуриятини олади.”;

г) 4-банд қуйидаги мазмундаги “в” кичик банд билан тўлдирилсин:

“в) Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Касбий таълим агентлиги билан биргаликда 2027 йил 1 январга қадар:

“Касбий таълим жараёнларини бошқариш – EMIS PT” ахборот тизимидаги ўқувчи таълим олаётган техникум номи;

техникумнинг манзили, унинг коди ва эгалик тури;

касб ва мутахассислик йўналиши (йўналиш коди ва номи);

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

босқичи (курс);

таълим шакли (кундузги, дуал ва кечки);

ўқувчининг статус маълумоти (ўқиётганлиги ёки бошқа) ҳамда баҳолари.”;

д) қуйидаги мазмундаги 5^1-банд билан тўлдирилсин:

“5^1. Миграция агентлиги:

2027 йил 1 январдан бошлаб “Work and travel” халқаро дастурларида иштирок этувчи иш берувчилар рўйхатини шакллантирсин ҳамда “xorijdaish”.uz платформасига жойлаштириб борсин;

ҳар йили 1 мартга қадар “Work and travel” халқаро дастурлари доирасида хорижий давлатларда ишлаш ва саёҳат қилиш учун хорижий иш берувчилар билан ҳамкорлик шартномаларини имзолаш чораларини кўрсин;

доимий равишда олий ва касбий таълим ташкилотлари талаба ва ўқувчилари учун “Work and travel” халқаро дастурлари доирасида хорижий давлатларда ишлаш ва саёҳат қилиш учун виза ҳужжатларини расмийлаштиришда кўмаклашсин.”;

е) 1-иловада:

номи “талаба” сўзидан кейин “ва ўқувчи” сўзлари билан тўлдирилсин;

1-банд “талаба” сўзидан кейин “ва ўқувчи” сўзлари билан тўлдирилсин;

2-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“**ариза берувчи (ссуда олувчи)** – 16 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган, Ўзбекистон Республикасидаги олий ва касбий таълим ташкилотининг кундузги, кечки (сменали) ёки дуал таълим шакли бўйича таҳсил олаётган (битирувчи курс талаба ва ўқувчилари бундан мустасно) Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган, “Work and travel” дастури доирасида ишлаш ва саёҳат қилиш учун хорижий давлатга бориш ва келиш билан боғлиқ харажат учун ссуда ажратишни сўраб белгиланган тартибда мурожаат қилган жисмоний шахс”;

3-банд “талаба” сўзидан кейин “ва ўқувчи” сўзлари билан тўлдирилсин;

8-бандниng “а” кичик банди тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ариза берувчининг олий ёки касбий таълим ташкилотининг талабаси ёхуд ўқувчиси эканлиги – Таълим ва илм-фан вазирлигининг “Олий таълим жараёнларини бошқариш (HEMIS)” ҳамда Касбий таълим агентлигининг “Касбий таълим жараёнларини бошқариш – EMIS PT” ахборот тизими орқали. Агар олий ёки касбий таълим ташкилотларининг маълумотлари ушбу ахборот тизимларида мавжуд бўлмаса, ариза берувчи олий ёки касбий таълим ташкилотида кундузги, кечки (сменали) ва дуал таълим шакли бўйича таълим олаётгани тўғрисида ссуда ажратиш

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

ҳақидаги мурожаат қилинган кундан 10 календарь кундан ошмаган санада берилган маълумотномани электрон шаклда (pdf форматда) илова қилади.”.

11. Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 13 сентябрдаги 578-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим ташкилотлари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 11^1-банд билан тўлдирилсин:

“11^1. Курсдан-курсга қолган ёки талабалар сафидан чиқарилган ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан шуғулланувчи талаба-қизларга олий таълимни давом эттириш учун “иккинчи имконият” яратилади. Бунда:

курсдан-курсга қолган ёки талабалар сафидан четлаштирилган талаба қизларга, истисно тариқасида, курсдан-курсга қолган ёки талабалар сафидан четлаштирилган курсидан давом эттиришга рухсат берилади;

талаба қизларга фанлар фарқини мустақил топширишлари учун 2 йилгача муддат берилади, улар фанларнинг ўқув дастури, ўқув материаллари билан таъминланади ва зарур шароитлар яратилади;

ўқишини тиклаган талаба қизлардан фанлар фарқини топширишда тўлов ундирилмайди;

олий таълим ташкилотларида мазкур тоифадаги талабалар томонидан фанларни мустақил ўзлаштириш, шу жумладан, электрон маърузалар, дарсликлар ва машғулотлар билан танишиш, ўқитувчилардан онлайн маслаҳатлар олиш имконияти “Олий таълим жараёнларини бошқариш – HEMIS” ахборот тизими орқали амалга оширилади.

Бундай имконият ҳар бир ҳомиладор ва (ёки) 3 ёшгача бўлган фарзанди тарбияси билан боғлиқ ҳолат бўйича бир маротаба тақдим этилади.”.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Илмий фаолият соҳасидаги ташкилотларни лаборатория асбоб-ускуналари, сарфлов материаллари ва бутловчи қисмлар билан таъминлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2026 йил 17 февралдаги 65-сон қарорида:

а) 4-банд қуйидаги мазмундаги тўртинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“2025 йил 31 декабрга қадар Ўзбекистон Республикаси Таълим ва илм-фан вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик) томонидан қабул қилинган буюртмалар (мажбуриятлар) ҳамда Жамғарма Кузатув кенгашининг тегишли баёнлари билан рўйхати тасдиқланган асбоб-ускуналар бўйича харидлар (молиявий мажбуриятлар)ни якунига етказишга рухсат берилади. Бунда Агентлик томонидан қабул қилинган буюртмалар Агентликнинг кузатув хати билан Жамғарма Кузатув кенгашида кўриб чиқиш ва тасдиқлаш учун Жамғармага киритилади ҳамда тасдиқланган буюртмалар хариди Жамғарма ҳузуридаги Харид комиссияси томонидан амалга оширилади.”;

QMMB: 09/26/604/1093-son
03.11.2026-y.

б) 1-илованинг 22-банди иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Аризада кўрсатилган асбоб-ускуналар, сарфлов материаллари ва бутловчи қисмлар хариди илмий лойиҳа ҳужжатларида назарда тутилган бўлиши шарт.”.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Термиз шаҳрида Термиз халқаро техникумини ташкил этиш тўғрисида” 2026 йил 11 июндаги 298-сон қарори қуйидаги мазмундаги 8^1-банд билан тўлдирилсин:

“8^1. Таълим ва илм-фан вазирлиги:

Сурхондарё вилояти Термиз шаҳрида Япония давлати билан ҳамкорликда Япония инвестицияси ва Япония таълими дастури асосида ўқитиладиган мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотидан иборат Ўзбекистон – Япония халқаро хусусий таълим кластери фаолиятининг йўлга қўйилишига белгиланган тартибда кўмаклашсин;

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотидан иборат Ўзбекистон – Япония халқаро хусусий таълим кластерини босқичма-босқич ташкил этиш мақсадида Институт мурожаатларига асосан таълим ташкилотлари фаолиятининг белгиланган тартибда лицензиялаш чораларини кўрсин;

Мактабгача, умумий ўрта, ўрта махсус ва касбий таълим ташкилотидан иборат Ўзбекистон – Япония халқаро хусусий таълим кластери таркибида ташкил этиладиган таълим ташкилотларининг мурожаатларига асосан уларнинг фаолиятига малакали маҳаллий ва хорижий педагог кадрларни жалб қилиш, ўқув жараёнларига хорижий таълим дастурларини жорий этиш ва илғор хорижий мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда, замонавий таълим технологияларини татбиқ қилиш ҳамда очиқ ахборот-таълим муҳитини яратишга кўмаклашсин.”.

